



## ЎЗБЕКИСТОН ХУДУДИДА ҲАРБИЙ-ЖИНОИЙ ҚОНУНЧИЛИКНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШ ТАРИХИ

Юсупов Нодирбек Омонович

Ўзбекистон Республикаси

Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиси, мустақил изланувчи

yunusovtimur160@gmail.com

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7854943>

### ARTICLE INFO

Received: 13<sup>th</sup> April 2023

Accepted: 21<sup>th</sup> April 2023

Online: 22<sup>th</sup> April 2023

### KEY WORDS

Авесто, хулқ-атвор  
қоидалари, одат ҳуқуқи,  
мусулмон ҳуқуқи, “Ясо”  
қонунлари, “Темур  
тузуклари”, ҳарбий  
жиноятлар, ҳарбий-жиноий  
қонунчилик.

### ABSTRACT

Мақолада Ўзбекистон ҳудудида ҳарбий-жиноий қонунчиликнинг вужудга келиши, минтақадаги давлатларнинг ҳарбий-жиноий қонунчилиги шаклланишига таъсир кўрсатган тарихий, ахлоқий, ҳуқуқий ва бошқа омиллар хусусида сўз юритилади.

### КИРИШ

Амалдаги ҳарбий жиноий қонунчиликнинг шаклланиши ва ривожланиши Марказий Осиёдаги илк давлатларнинг юзага келиши билан узвий боғлиқ. Тарихан Ўзбекистон ҳудуди инсоният цивилизацияси марказларидан ҳисобланади. Шундай бўлсада, минтақадаги илк давлатлатчилик шакллари оид манбалар у қадар кўп бўлмагани боис уларнинг қонунчилиги жуда кам ўрганилган. Биз қуйида мавжуд манбалар таҳлили асосида миллий ҳарбий-жиноий қонунчиликнинг вужудга келиш тарихини ёритишга ҳаракат қиламиз.

### АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Маълумки, қабилаларни ўзини-ўзи ҳимоя қилиш ва ўлжани тақсимлаш зарурати илк давлатларнинг вужудга келишига асосий туртки бўлиб хизмат қилган. Уруш олиб боришнинг ҳеч қандай тартиб ва қоидалари мавжуд бўлмаган мазкур давр давлатларининг яшаб қолиши учун табиийки, ҳарбий куч бирламчи манба ҳисобланган. Умуман олганда, мазкур давр жазо тизими ибтидоий жамоа тузуми белгилари билан қоришган бўлиб, жиноят учун жамоавий жавобгарлик назарда тутилгани билан характерланади [1]. Қадимги давр Марказий Осиё халқлари тарихини, хусусан, милoddан аввалги VII асрда ташкил топган Хоразм, Бақтрия ва Марғиёна давлатларидаги ҳарбий жиноий жазо тизимини ўрганишда “Авесто” муҳим ўрин тутади. “Авесто”да жиноят учун жазонинг қуйидаги тизими белгиланган: ўлим жазоси, қамоқ, жисмоний жазо (калтаклаш), гуноҳни ювиш (етказилган зарарни қоплаш), бадарға қилиш, қондошлик ўчи [2]. Зардушт таълимоти ибтидоий жамоа тузумига хос қонли жазо чоралари ўрнига жабрланувчи ёки унинг қариндошларига ҳақ тўлаш



тартибларини назарда тутган. Зардуштийлик даврида жорий этилган жиноий жазоларни либераллаштиришнинг ушбу тартиблари ҳозирги кун қонунчилик амалиётида ҳам қўлланилиб келинмоқда [3]. Хусусан, ярашув институти ва етказилган зарарни бартараф этиш жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида миллий қонунчиликда акс этган. Шунингдек, бу даврдаги давлатларда одат ҳуқуқлари ва ёзма ҳуқуқий манбалар қўлланилган. Аҳамонийлар подшоларидан Доронинг Беҳистун қояларидаги ёзувларида босиб олинган ўлкаларда “қонун”лар жорий қилинганлиги тўғрисидаги маълумотлар учрайди. “Авесто”нинг бир қанча шеърларида хулқ-атвор қоидалари, оила-никоҳ масалалари, жиноят ва жазо, айниқса, процессуал нормалардан ордалия (синаб кўриш, текшириб кўриш) ҳақидаги кўрсатмалар мавжуд. “Авесто”да жазо бериш “диний-этник қоидаларга бўйсундириш мақсадидаги ҳаракат” маъносида қўлланилиб, хатти-ҳаракат учун тўловни англатган. Жазо синаб кўриш шаклида диний-этник қоидалар асосида олиб борилган. Ҳақиқатни юзага чиқаришда айбланувчини сув, олов, қайнаб турган суюқлик билан синаш, айбдорнинг яланғоч кўкрагига эритилган мис қўйиш каби усуллардан фойдаланилган. Сув билан синашда айбдор “Варуна ҳақиқатдан мени ҳимоя қил” дея сув остига шўнғиган, ана шу лаҳзада камондан ўқ узилган, шу пайт чопар киши ўқ кетидан югурган, агар у ўқни келтирган вақтда айбдор сув остида тирик қолган бўлса, унинг айби йўқ деб ҳисобланган. Ўт билан синашда айбдор ёки гумон қилинувчи ёнаётган икки қатор палёнлар орасидаги тор йўлакдан югуриб ўтиши лозим бўлиб, агар тирик қолса, тангри уни айбсиз деб билди ёки афв этди, деб ҳисобланган [4].

Милоддан аввалги IV аср охири ва милодий IV асрда қадимги туркийларда ҳуқуқ нормалари ёзма равишда расмийлаштирилмаган, балки ижтимоий расм-русумлар ва тартиблардан келиб чиқадиган қоидалар йиғиндисидан иборат одат ҳуқуқи қўлланган ва бизгача асосан Хитой манбалари орқали етиб келган. Масалан, Мотун ҳоқон ҳақидаги шу даврга оид маълумотларда кўрсатилишича, ўткир қуролни қинидан чиқарганлик, фут (темирдан ясалган оғир қурол) билан ўқталганлик, одам ўлдирганлик ва бошқа оғир жиноятлар учун ўлим жазоси назарда тутилган. Дунху қабилалари (ёки Ухуанлар)да ҳам ўзига хос жиноят қонунлари мавжуд эди. Жумладан, оқсоқолларнинг буйруқларига бўйсунмаслик учун ўлим жазоси берилган. Қочоқ ва хоинлар, оқсоқоллар томонидан таъқиб қилинаётган кишиларни ҳеч ким ўтовига қўйиши мумкин эмас эди. Улар қум-саҳроларга қувиб юборилган (остракизм) [5].

Илк ўрта асрларда мамлакатимиз ҳудудида вужудга келган Сўғд, Тохаристон, Эфталлар ва Турк хоқонлиги каби давлат уюшмаларида иқтисодий тараққиёт ва сиёсий барқарорликни таъминлаш айнаи вақтда ички тартиб-осойишталикни сақлаш, савдо-сотик, ер-мулкчилик соҳаларидаги тартиббузарликларга қарши курашиш ҳам муҳим аҳамиятга эга эди. Бундай шароитда яхши қуролланган ёлланма аскарлардан иборат доимий ҳарбий кучларга эҳтиёж ортиб борди. Бу даврда Сўғдда “чокарлар” деб аталган ички тартибни сақлаш, жиноятларга қарши курашиш билан шуғулланувчи ҳарбийлаштирилган қисмлар юзага келди. Чокарлар урушлар ва ҳарбий тўқнашувларда ҳарбий куч сифатида хизмат қилиб, ҳарбийлар томонидан тартиб сақланиши ва жиноят содир этилмаслигини назорат қилганлар [6].



Сомонийлар давлатида мусулмон ҳуқуқи ҳуқуқнинг асосий манбаи ҳисобланган. Ҳарбийлар томонидан содир этилган жиноятлар энг оғир жиноятлар сирасига киритилган ва давлатга қарши жиноятлар сифатида баҳоланган. Улар ўлимга ҳукм қилинган ёки узоқ муддатга зиндонбанд этилганлар. Сомонийлар даврида сарой ва ҳукумат муассасаларини қўриқлаш бўйича хизмат қилувчи ҳожиб, олий ҳукмдор чиқарган жазо ҳукмлари ижросини назорат қилувчи амири харас, жамоат тартибини сақлашга ва жиноятларга қарши курашишга ихтисослашган алоҳида ҳарбийлаштирилган шихна хизмати, аҳоли осойишталигини сақлаш, жамоат тартибини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, ҳарбий хизматдан бўйин товлаганларни топиш, қозиларнинг ҳукмини ижро этиш, жазога ҳукм қилинган жиноятчиларни қўриқлаш каби вазифаларни бажарувчи миршаб лавозимлари бўлиб [7], уларни ҳозирги куч тузилмаларига қиёслаш мумкин.

Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Қорахонийлар, Хоразмшоҳлар давлатлари бошқарувида ҳуқуқ манбалари сифатида ўтроқ аҳоли учун шариат, кўчманчи аҳоли учун эса одат ҳуқуқи устувор аҳамият касб этган. Ушбу давлатларда ҳам ҳарбийларга нисбатан жазо тайинлашда мусулмон ҳуқуқининг умумий моҳиятига амал қилинган.

XII аср охири XIII аср бошларида асос солинган мўғул империяси даврида “Ясо” қонунлари амалда бўлган. Гарчи, унинг фақат 33 та парчаси ва Чингизхоннинг давлат, ҳарбий ва жиноят ҳуқуқларига оид 27 нутқи бизгача етиб келган бўлсада, уларнинг умумий мазмунидан ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларнинг шавқатсиз жазоланганини англаш мумкин. “Ясо” қонунларини бажармаганлик учун ҳарбийлар томонидан, айниқса, ҳарбий амалиётлар даврида тақиқланган 36 тур қилмишдан 13 тасига ўлим жазоси белгиланган. Жумладан, бошлиққа итоатсизлик, белгиланган жойга қўйилган бошлиқнинг ўз жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиши, ўз бошлиғининг буйруғини бажармаслик, махсус буйруқ берилмаган ҳолда душманни талон-торож қилиш, жанг вақтида қочиш, келишмай туриб чекиниш, сотқинлик ва хоинлик, қочоқ қулни эгасига қайтармаганлик ҳамда асирга олинган кишига асирга олувчининг ижозатсиз ёрдам бериш, айғоқчилик қилиш, вазифасидан фойдаланиб пора олиш каби жиноятларга фақат ўлим жазоси берилган [8].

Темурийлар даврида ҳам мусулмон ҳуқуқи асосий ҳуқуқ манбаи бўлсада, дунёвий тартиб-қоидалар ҳуқуқ тизимига кириб кела бошлади. “Темур тузуклари” шундай жараённинг натижасидир. Тузуклар XIV асрга оид давлат тузуми, маъмурий-сиёсий бошқарув, суд тизими, ҳарбий санъатни ўзида жамлаган диний ва дунёвий ҳуқуқ манбаи ҳисобланади. Унда жиноят ва жиноят-процессуал ҳуқуқи, жиноятлар, хусусан, ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар учун жазо тайинлаш, ҳар бир шаҳарда адолат уйлари, қозихона – доруламорат ташкил этиш, қози аскар, аҳтоз ва раият қозилари, уларни тайинлаш, ёлғон гувоҳлик учун жазо тайинлаш каби кўпгина ҳуқуқий муносабатлар акс эттирилган. Тузукларда жиноятларга нисбатан чора қўллашда ўта адолатли ёндашув кўзга ташланади. Масалан, унда “Ҳар қандай одам менинг адолат девонимдан паноҳ топган экан, гуноҳи бўлса ҳам, уни кечирсинлар. Иккинчи, учинчи марта яна гуноҳ қилгудек бўлса, у ҳолда гуноҳига яраша жазоласинлар” дейилади [9]. Амир Темурнинг давлат бошқаруви сиёсати жазолашдан кўра, кечириниш ва огоҳлантириниш каби чораларга асосланган бўлсада [10], кези



келганда, ҳарбийлар томонидан содир этиладиган жиноятлар қаттиққўллик билан жазоланган. Чунончи, Тузукларда “Агар навкарни бирон мамлакатга ҳоким қилган бўлсалару, у бевафолигидан душман билан келишиб, мулкни унга таслим қилса, ўлим жазосига маҳкум қилсинлар. Мамлакатни ҳимоя қилиб, душманни йўлатмаган навкарни юқори мартабага кўтариб, ҳурматласинлар” дейилади [11]. Юриш вақтларида кўшинларда ўзидан юқори бошлиқларнинг буйруғига бўйсунмаслик ҳолатларига нисбатан қаттиқ жазо чораси белгиланган. Мингбошининг ҳукми юзбошига, юзбошиники ўнбошига, ўнбошиники эса қўл остидагиларга жорий этилиб, бунга амал қилмаганлар жазога тортилган [12]. “Тузуклар”нинг иккинчи қисмида ҳарбий бошқарув масалаларига оид қоидалар кўпроқ акс этган бўлсада, ҳарбийлар томонидан содир этиладиган жиноятларга алоҳида тузук бағишланмаган. Кўпгина ҳарбийлар томонидан ўз хизмат вазифалари билан боғлиқ мажбуриятларни бажармаганлик учун хизматдан ҳайдаш, жанг вақтида итоатсиз бўлиб, ижозатсиз қочишни мўлжалласа, бундай кишиларни Парвардигори оламга топшириш, яъни қатл этиш назарда тутилади [13].

Шайбонийлар даврида ҳам ҳуқуқнинг асосий манбаини мусулмон ҳуқуқи, одат ҳуқуқлари, шунингдек, хонларнинг турли фармонлари ташкил қилган. Тарихий манбаларда Муҳаммад (Шоҳбахт) Шайбонийхон ўқимишли, шариат ҳуқуқи бобида ўз замонасининг билимдон кишиларидан ҳисоблангани, қонунчилик ва юридик масалаларни уламолар билан маслаҳатлашиб ҳал этишга эътиборли бўлгани, унинг ҳузурида ҳеч қачон шариат ҳуқуқи ва қонунларига зид мажлислар бўлмагани қайд этилади [14]. Ҳарбий одатларнинг устувор мавқеи боис ҳарбийлар ҳаётига оид айрим масалалар одат ҳуқуқлари билан тартибга солинган. Бирор давлатга қарши уруш ҳаракатларини олиб бориш машваратларда муҳокама қилинган, гаровга олинган шахсларни ўлдириш, қул қилиш, сотиб юбориш ёки бошқа шахслар билан келишиб, кўйиб юбориш таъқиқланган [15].

Бухоро ва Хива хонликларида ислом ҳукмрон дин бўлгани сабабли жиноят ва жазо масалаларини ҳал этишда мусулмон ҳуқуқининг тўрт манбаи: Қуръон, сунна-ҳадислар, ижмо ва қиёс асосий манбалар ҳисобланган. Амир ва хон олий судьялар ҳисобланганлар. Бухоро ва Хива хонликларидаги ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар учун жазо тайинлашга оид ёзма манбалар мавжуд бўлмагани сабабли бу турдаги жиноятлар учун жазо тайинлашда шариатнинг умумий моҳиятига асосланилган деб тахмин қилиш мумкин. Қўқон хонлигида эса шариат билан бирга, қирғиз ва қозоқ элатлари яшовчи ҳудудларда оила, никоҳ, мерос каби масалаларда одат ҳуқуқи қўлланилган. Жиноятлар давлатга, динга, мулкка, шахсга, оилага қарши қаратилган жиноятларга бўлинган. Давлатга қарши жиноятлар динга қарши жиноятлар билан қоришиб кетгани сабабли ҳар бир давлатга қарши жиноят динга қарши жиноят деб ҳам ҳисобланган. Уларга ҳукми фақат хон чиқариб, деярли барча ҳолларда ўлим жазоси тайинланган. Ўлим жазоси баъзи ҳолларда сазойи қилиш билан бирга тайинланиб, осиб ўлдириш шаклида ижро этилган [16]. “Тарихи Туркистон” асарида рус босқинчиларига қарши етарлича қаршилиқ кўрсата олмай, Оқ масжид қалъасига чекинган кўшин раҳбарининг жазоланишини шундай тасвирланади:



“Хўқанд ўртасида жомеъ азимнинг ўртасида Шодмонқулнинг бошига хотинлар рўмолини ўратиб, олдига чарх дук қўйиб, шармандаю шармисор қилибдурлар” [17].

Кейинчалик чор россияси босқини натижасида Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги протекторатга айлантирилади ва Қўқон хонлиги тугатилиб, унинг ҳудудлари Туркистон генерал губернаторлигига қўшиб олинади. Жиноятлар Чор Россияси қонунлари асосида империя судлари томонидан кўриб чиқилган. Ҳокимият “ярим подшо” деб аталувчи генерал-губернатор қўл остига бирлаштирилиб, унга чексиз ваколатлар берилган. Хусусан, Низомга кўра, генерал-губернатор сиёсий ишончсиз деб ҳисоблаган ерли аҳолини 5 йил муддатга ўлкадан судсиз бадарға қилиш, исёнда қатнашган кишиларни эса ҳарбий давр қонуни билан дала судлари орқали жазолаш ҳуқуқидан фойдаланган. Бухоро амирлиги жиноятлар учун жазо тайинлашда бир қадар мустақилликка эга бўлиб, жарима, таёқ билан уриб тан жазоси бериш, қамоқ ёки амлокдорхонага қамаш, беклик марказидаги қамоқхона - турмага қамаш, умрбод ҳарбий хизматга ёзиш, қарзлари учун қарамликка бериш, қатл этиш жазоси тайинлаш ҳуқуқи сақланиб қолган.

1922 йил 24 майда РСФСР Жиноят кодекси қабул қилинади ва Туркистон Марказий Ижроия кўмитаси бу Кодекснинг Туркистон Губерниясида ҳам амал қилиниши тўғрисида қарор қабул қилади. Кодекснинг “Ҳарбий жиноятлар” деб номланган VII боби 16 моддадан иборат бўлиб, ҳарбий жиноятлар қаторига қуйидагилар киритилди: бўйсунуш ва ҳарбий шаънга риоя этиш тартибига қарши жиноятлар; ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар; ҳарбий мулкдан фойдаланиш тартибига қарши жиноятлар; қоровул хизматини ўташ тартибига қарши жиноятлар; ҳарбий мансабдорлик жиноятлари; уруш даври жиноятлари, чунончи: ҳарбий жосуслик, ҳарбий хизматчининг уруш пайтида душман қўшинидаги шахслар билан хат ёзишиши ва алоқа қилиши.

1926 йил 16 июнда Ўзбекистон ССРнинг биринчи Жиноят кодекси қабул қилинади [18]. Ўзбекистон ССРнинг дастлабки Жиноят кодекси умумий ва махсус қисм, тўрт бўлим, 10 боб ва 292 моддадан иборат эди. Кодекснинг мақсади ўрнатилган ҳуқуқий тартиб ва менаткашлар ҳокимиятига раҳна солувчи жинойи қилмишлардан муҳофаза қилиш эди (ЎзССР ЖК 5-м.). Мазкур мақсад эса жиноят содир этган шахсга нисбатан кодексда “ижтимоий муҳофаза чоралари” деб аталувчи жазолар орқали амалга оширилган. Иجتимоий хавфлиликка кўра “совет қурилиши асосларига қарши қаратилган жиноятлар” ва “барча бошқа жиноятлар” фарқланган. “Совет қурилиши асосларига қарши қаратилган жиноятлар” учун суд томонидан тайинланадиган жазонинг энг кам миқдори кўрсатилган бўлса, “барча бошқа жиноятлар” учун жазонинг максимал миқдори белгиланган. Жазолар суд-тузатиш, тиббий ва тиббий-педагогик хусусиятдаги чораларга ажратилган.

1924 йил 31 октябрдаги “Ҳарбий жиноятлар тўғрисида низом” [19] нормалари аутентик равишда 1926 йилдаги ЖКга иккинчи боб сифатида киритилган бўлиб, улар 19 модда (Ўз ССР ЖКнинг 121-139-моддалари)дан иборат эди. Жами 12 та моддада ўлим жазоси назарда тутилган эди [20]. Кодекс 121-моддасига мувофиқ, “Ишчи-деҳқонлар Қизил армияси ва Ишчи-деҳқонлар Қизил флотининг ҳарбий хизматчилари, хизмат кўрсатиш командалари таркибига киритилган, ҳудудий тузилмаларга хизмат



ўташга чақирилган шахсларнинг йиғинларни ўташ вақтидаги ҳарбий хизматнинг ўрнатилган тартибига қарши қаратилган жиноятлар, агар мазкур жиноятлар ўз моҳияти ва хусусиятига кўра, ҳарбий хизматда ёки ҳарбий-денгиз хизматида турмаган фуқаролар томонидан содир этилиши мумкин бўлмаса, ҳарбий жиноятлар деб ҳисобланади”. Ҳарбий жиноятларни содир этганлик учун қаттиқ ажратилган ҳолда озодликдан маҳрум қилиш, қаттиқ ажратилмаган ҳолда озодликдан маҳрум қилиш, мол-мулкни мусодара қилиш жазоси ва олий жазо – отув назарда тутилган эди. Шунингдек, баъзи моддалардаги жиноятларни енгиллаштирувчи ҳолатларда содир этганлик учун интизомий таъзир қўлланиши мумкин эди.

Кейинчалик 1927 йил 27 июлда аввалги 19 моддадан иборат бўлган “Ҳарбий жиноятлар тўғрисида низом” 31 моддани ўз ичига олган ҳолда янги таҳрирда қабул қилинган [21]. Ҳарбий жиноятлар доираси кенгайтирилиб, ҳарбий хизматчини ҳақорат қилиш, жанговар вазиятда ҳарбий қисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш, ички (вахта) хизматининг низомга оид қоидаларини бузиш, ҳалок бўлаётган ҳарбий кемани ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш, ҳарбий сирни ошкор этиш каби бир қатор нормаларни назарда тутган янги 12 та модда билан тўлдирилган. Шунингдек, жавобгарлик доирасига эндиликда захирадаги ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий хизматга мажбурлар, уруш даврида фронтга ва фронт ортига хизмат кўрсатиш мақсадида ташкил этиладиган алоҳида командаларга жалб этилган фуқаролар ҳам киритилган. Бунинг натижасида 1935 йил 19 ноябрда Ўз ССР МСКнинг Ўз ССР ЖКни юқоридаги “Ҳарбий жиноятлар тўғрисида низом”га мувофиқлаштириш тўғрисида 58-сон қарори қабул қилинган.

1959 йил 21 майда Ўзбекистон ССРнинг янги Жиноят кодекси тасдиқланди. 1958 йил 25 декабрдаги Собиқ иттифоқнинг “Ҳарбий жиноятлар учун жиноий жавобгарлик тўғрисида”ги Қонуни [22] нормалари 1959 йилдаги ЎзССР ЖКнинг ўн биринчи бобига жойлаштирилган ва у 33 модда (225-257-моддалар)дан иборат эди. Ҳарбий жиноятлар учун фақат уч турдаги жазолар назарда тутилган: озодликдан маҳрум қилиш; интизомий батальонга юбориш; ва фавқулодда жазо – ўлим жазоси. Асосий жазолардан ташқари, мол-мулкни мусодара қилиш ва ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш тарзидаги қўшимча жазолар мавжуд эди. Ҳарбий жиноятларнинг ўзига хослиги шунда эдики, уруш даврида ва жанговар вазиятда содир этилган шундай қилмишлар учун 16 та моддада кучайтирилган жазо – ўлим жазоси белгиланганди. 13 та (227, 229, 231, 232, 233, 238, 243, 244, 245, 246, 247, 248, 256) моддада назарда тутилган жиноятларни 1959 йилдаги ЖК 38-моддаси тартибида енгиллаштирувчи ҳолатларда содир этганлик учун интизомий жавобгарлик қўлланилган.

Нихоят, 1994 йил 22 сентябрда амалдаги Жиноят Кодекси қабул қилинди ва 1995 йил 1 апрелдан кучга киритилди. Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган нормалар Кодекснинг еттинчи бўлимига жамланди. Кодекснинг саккизинчи бўлими (Атамаларнинг ҳуқуқий маъноси)да ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга “Ҳарбий жиноятлар – ҳарбий хизматчилар, шунингдек ҳарбий машқни ўташ даврида ҳарбий хизматга мажбур шахслар томонидан ҳарбий хизматни ўташнинг белгиланган тартибига қарши қилинган жиноятлар” деб таъриф берилди. 1959 йилдаги Кодекснинг 233 (Ўзбошимчалик билан кетиш), 234



(Ҳарбий қисми ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш) ва 236-моддалари (Жанг вазиятида ҳарбий қисми ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш) янги Кодекснинг 287-моддаси (Ҳарбий қисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш)га бирлаштирилди, ҳарбий сирни ошкор қилиш ёки ҳарбий сир мавжуд бўлган ҳужжатларни йўқотиш (247-м.) жинояти Ўзбекистон Республикасига қарши жиноятлар таснифига киритилиб, “Давлат сирларини ошкор қилиш” (162-м.) “Давлат сир ёки ҳарбий сир ҳисобланган ҳужжатларни йўқотиш” (163-м.) таркибларига ажратилди, “Уруш ҳаракатлари районида аҳолига зўравонлик ишлатиш” жинояти (255-м.) “Урушнинг қонун ва удумларини бузиш” (152-м.) таҳририда “Тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши жиноятлар” таснифига ўтказилди. 1959 йилдаги ЖКнинг Кема юргизиш қоидаларини бузиш (242-м.), Уруш олиб бориш воситаларини душманга топшириш ёки қолдириш (249-м.), Жанг майдонини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш ёки қурол билан ҳаракат қилишдан бош тортиш (251-м.), Ўз ихтиёри билан асир тушиш (252-м.), Асирликдаги ҳарбий хизматчининг жиноий ҳаракатлари (253-м.), Ҳарбий асирлар билан ёмон муомала қилиш (256-м.), Қизил Крест ва Қизил Ярим Ой знакларини қонунга хилоф равишда тақиб юриш ва уларни суистеъмол қилиш (257-м.) каби моддалари жиноят таркибидан чиқариб ташланди. Шу тарзда эски кодексдаги ҳарбий жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган 35 модда янги Кодекс билан 24 тагача қисқартирилди. 1994 йилдаги ЖКга илгари мавжуд бўлмаган янги жазо тури – пул таъминотининг ўн фоизидан ўттиз фоизигача бўлган миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда икки ойдан уч йилгача муддатга қўлланадиган хизмат бўйича чеклаш жазо чораси киритилди. Кодекс қабул қилинган вақтда 4 та: хизмат бўйича чеклаш, интизомий қисмга жўнатиш, қамоқ ва озодликдан маҳрум қилиш жазолари назарда тутилган бўлса, 2017 йил 29 мартдаги “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-421-сон Қонунга асосан 12 та моддадаги қамоқ жазоси санкциядан чиқариб ташланди ёки бошқа алтернатив жазо тури билан алмаштирилди [23]. Шу тариқа, соҳага оид норматив-ҳуқуқий база босқичма-босқич ривожлантириб борилди ва ҳарбий-жиноий қонунчиликнинг шаклланишига замин яратилди. Ҳарбий-жиноий қонунчилик эса миллий ҳарбий ҳуқуқнинг мустақил соҳаси сифатида ўзининг муҳим ўрнига эга бўлди.

### **ХУЛОСА**

Демак, миллий ҳарбий-жиноий қонунчиликни шаклланишида биринчи навбатда, ҳулқ-атвор қоидалари, одат ҳуқуқлари, дин ва шариат қоидалари устувор ўрин эгаллаган. Шунингдек, ҳарбий-жиноий қонунчиликка амалдаги сиёсий тузум ҳам ўз таъсирини ўтказган. Масалан, Темурийлар давлати қонунчилигида ҳам диний, ҳам дунёвий билимлар акс этганини ҳукмдорларнинг кенг дунёқараши ва давлатнинг илм-маърифатга толерантлиги билан асослаш мумкин. Хонликлар даври қонунчилиги бунинг аксини кўрсатади. Ёки чор россияси босқини давридаги маъмурий буйруқбозликка асосланган ҳарбий-жиноий қонунчилик тоталитар тузумнинг натижасидир. Мустақилликдан кейинги давр қонунчилиги эса назаримизда, миллий



эҳтиёж ва ҳалқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидаларига таянади. Табиийки, бунда Собиқ иттифоқ ҳарбий-жиноий қонунчилигининг ҳужумкор ҳарбий доктрина руҳи акс этган эски ҳарбий-жиноий қонунчиликни такомиллаштириш талаб этилган. Йирик шахсий таркибга эга Қуролли Кучлардан воз кечилиб, компакт, лекин профессионал армия концепциясига ўтилгани, жиноий-ҳуқуқий ислохотларнинг ҳарбий хизматчилар ҳамда уларнинг оила аъзоларини ҳар томонлама ижтимоий муҳофаза қилиш билан ҳамоҳанг тарзда амалга ошириб келинаётгани, ҳуқуқий таъсир чоралари тизимини ривожлантиришда нафақат жазо самарадорлигини оширишга эътибор қаратилаётгани, балки энг мақбул превентив чораларнинг амалиётга жорий этилаётгани бунинг далилидир.

### References:

1. Н.С.Салаев, Б.А.Бобокелдиев Ҳарбий жиноятлар: тарихи, квалификация қилиш ва олдини олиш масалалари. Илмий-амалий қўлланма – Тошкент, ТДЮИ, 2007.
2. Ички ишлар вазирлиги тарихи, <https://iiv.uz/oz/pages/vazirlik-tarixi>, электрон манбага мурожаат санаси: 21.01.2023 й.
3. Б. Абдуллаев, Ўзбек давлатчилиги ҳуқуқий тизими шаклланишининг тарихий илдизлари, <https://zarnews.uz/post/uzbek-davlatchiligi-huquqiy-tizimi-shakllanishining-tarixiy-ildizlari>, электрон манбага мурожаат санаси: 17.12.2022 й.
4. Муқимов З. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. – Тошкент: Адолат, 2003. – Б. 36-37.
5. Ўша жойда, Б. 48-49.
6. Ички ишлар вазирлиги тарихи, <https://iiv.uz/oz/pages/vazirlik-tarixi>, электрон манбага мурожаат санаси: 21.01.2023 й.
7. Ички ишлар вазирлиги тарихи, <https://iiv.uz/oz/pages/vazirlik-tarixi>, электрон манбага мурожаат санаси: 21.01.2023 й.
8. Муқимов З. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. – Тошкент: Адолат, 2003. – Б.138-139.
9. Temur tuzuklari. / A. Temur. – Toshkent: Yoshlar nashriyot uyi, 2018. – Б.110
10. Ўша жойда, Б.117.
11. Ўша жойда, Б.149.
12. Ўша жойда, Б.114.
13. Ўша жойда, Б.146.
14. Фазлуллох ибн Рузбехон Исфаҳоний. Мехмонномаи Бухоро (Записки Бухарского гостя). М., “Наука”, Б. 79-80.
15. Мулла Олим Маҳдум Ҳожи, “Тарихи Туркистон”. Қарши, “Насаф”, 1992, – Б. 53.
16. Муқимов З. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. – Тошкент: Адолат, 2003. – Б. 236-237.
17. Мулла Олим Маҳдум Ҳожи, “Тарихи Туркистон”. Қарши, “Насаф”, 1992, – Б. 105-106.
18. Уголовный кодекс Узбекской ССР: Самарканд, 1926 г., изд. НКЮ УзССР, ТДЮУ кутубхонаси, 60.



19. Положение о воинских преступлениях. 1924 г., Собрание законов и распоряжений РКП СССР № 24 от 6.12.1924 г. С.386-390, М., «Красный пролетарий», Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги архиви.

20. Уголовный кодекс Узбекской ССР: Самарканд, 1926 г., изд. НКЮ УзССР, ТДЮУ кутубхонаси, Б. 21-25.

21. Положение о воинских преступлениях: постановление ЦИК СССР, СНК СССР от 27 июля 1927 г. // Собрание законов СССР. 1927. № 50

22. Закон СССР «Об уголовной ответственности за воинские преступления» от 25.12.1958 г., <http://www.zaki.ru/pagesnew.php?id=1850>

“Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 2017 йил 29 мартдаги ЎРҚ-421-сон Қонун, <https://lex.uz/docs/3146366>